



ISSN 2181-9297

Doi Journal 10.26739/2181-9297

**СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART**

№5 (2019)



TOSHKENT-2019

Бош муҳаррир:
Холбеков Муҳаммаджон
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Главный редактор:
Холбеков Мухаммаджон
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Editor in Chief:
Kholbekov Muhammadjan
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Тўхтасинов Илҳом
ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

Заместитель главного редактора:
Тухтасинов Илхом
к.ф.н., доцент (Узбекистан)

Deputy Chief Editor
Tuhtasinov Ithom
Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

Таҳрир ҳайъати:

Редакционная коллегия:

Editorial Board:

Назаров Бахтиёр
академик. (Ўзбекистон)

Назаров Бахтиёр
академик. (Узбекистан)

Bakhtiyor Nazarov
academician. (Uzbekistan)

Якуб Умарўғли
ф.ф.д., профессор (Туркия)

Якуб Умар оглы
д.ф.н., профессор (Туркия)

Yakub Umarogli
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

Алмаз Улви Биннатова
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Алмаз Улви Биннатова
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Almaz Ulvi Binnatova
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

Боқиева Гуландом
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бакиева Гуландом
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Bakieva Gulandom
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Миннуллин Ким
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Миннуллин Ким
д.ф.н., профессор (Татарстан)

Minnulin Kim
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

Махмудов Низомиддин
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Махмудов Низомиддин
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Mahmudov Nizomiddin
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Керимов Исмаил
ф.ф.д., профессор (Россия)

Керимов Исмаил
д.ф.н., профессор (Россия)

Kerimov Ismail
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

Жўраев Маматкул
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Джураев Маматкул
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Juraev Mamatkul
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Куренов Рахиммамед
к.ф.н. (Туркменистон)

Куренов Рахыммамед
к.ф.н. (Туркменистан)

Kurenov Rakhimmamed
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Кристофер Жеймс Форт
Мичиган университети (АҚШ)

Кристофер Джеймс Форт
Университет Мичигана (США)

Christopher James Fort
University of Michigan (USA)

Умархўжаев Мухтор
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Умархаджаев Мухтар
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Umarkhodjaev Mukhtar
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Мирзаев Ибодулло
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Mirzaev Ibodulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Болтабоев Ҳамидулла
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Балтабаев Ҳамидулла
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Boltaboev Hamidulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Дўстмухаммедов Хуршид
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дустмухаммедов Хуршид
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Dustmuhammedov Khurshid
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Лиходзиевский А.С.
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Lixodzievsky A.S.
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Сиддиқова Ирода
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Siddiqova Iroda
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Шиукашвили Тамар
ф.ф.д. (Грузия)

Шиукашвили Тамар
д.ф.н. (Грузия)

Shiukashvili Tamar
Doc. of philol. scien. (Georgia)

Юсупов Ойбек
масъул котиб, доцент
(Ўзбекистон)

Юсупов Ойбек
доцент (Узбекистан)
отв. секретарь

Yusupov Oybek
Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior
Secretary

Pagemaker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

Тилшунослик / Языкознание / Linguistics

- 1.Карабаева Б.Б.**
КОГНИТИВ ТИЛШУНОСЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИНИНГ ИЛМИЙ
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....5
- 2.Мавлонов О.А.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕОЛИНГВИСТИКА.....11
- 3.Маннонова С.А.**
РАСМИЙ ХАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
СУБЖАНРЛАРИ.....19
- 4.Мўминова Д.А.**
ДЕЙКСИСНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТИ.....26
- 5.Тоирова Д.Ф.**
ЭМИЛЬ ЗОЛЯНИНГ АСАРЛАРИДА КУНЛИК ФАОЛИЯТНИ ТАҲЛИЛ
ЭТИШ.....38
- 6.Shukurova В.В.**
NAZAR ESHONQUL NI KOYALARIDA KONTRAST USULINING
AN'ANAVIY VA ZAMONAVIY ASPEKTLARI.....45

Адабиётшунослик / Литературоведение / Literary criticism

- 7.Жуманова Д.Қ.**
МУМТОЗ ҲАЗАЛЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ТАЛҚИНИ.....52
- 8.Назаров С.Ҳ.**
Й.В.ГЁТЕ "ФАУСТ" АСАРИДА КОНЦЕПТУАЛ МЕТАФОРА ТАҲЛИЛИ.....58
- 9.Шофиев О.**
ЎЗ МУҲИТИГА СИФМАГАН ОДАМ ОБРАЗИ (Эркин Аъзам ижоди мисолида)..66
- 10.Юлдашева Д.М.**
СИНТАКТИК ТАКРОРЛАРНИНГ БАДИИЙ- ЭСТЕТИК ИМКОНИЯТЛАРИ..75

Таржимашунослик / Переводоведение / Translation Studies

- 11.Муҳамедов Х.А.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИНИНГ ФАН СИФАТИДА
ШАКЛЛАНИШИ (ҲАЙБУЛЛА САЛОМОВНИНГ "ТИЛ ВА ТАРЖИМА"
МОНОГРАФИЯСИ МИСОЛИДА).....81


МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

12. Гулямова Г.Я. БАДИЙ МАТН ТАРЖИМАСИДА ТРАНСФОРМАЦИОН МЕТОД ХУСУСИЯТИ.....	87
13. Мирзаахмедова М.Й. ТАРЖИМА ИЛМИ МАСАЛАСИ ЮЗАСИДАН ФИКРЛАР.....	94
14. Улмасбаева М.А. КОГНИТИВНЫЙ АНАЛИЗ НАЦИОНАЛЬНОГО КОЛОРИТА В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ПЕРЕВОДЕ.....	105
Санъат ва журналистика/ Искусство и Журналистика / Arts and Journalism	
15. Музаффарова С.Х. МИЛЛИЙ ЭСТРАДА САНЪАТИ ТАРАҚҚИЁТИДА СЎЗ, МУСИҚА ВА ИЖРО УЙҒУНЛИГИ МАСАЛАЛАРИ (шоир, бастакор ва хонанда ҳамкорлиги мисолида).....	113
16. Мусаева Н.А. ХИТОЙ МАТБУОТИДА ЎЗБЕК-ХИТОЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ ("БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ" ЛОЙИҲАСИ АСОСИДА).....	118
17. Ходжиматова М.К. СЎЗ САНЪАТИНИНГ МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИ.....	123
18. Ибрагимова У. ЖОНЛИ СЎЗНИНГ САҲНАВИЙ ИФОДАВИЙЛИГИ.....	129
Лингводидактика ва методика/ Лингводидактика и методика/ Linguodidactics and methodology	
19. Зоирова Д.А. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА КОММУНИКАТИВ-КУМУЛЯТИВ МЕТОД АСОСИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ САМАРАЛИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.....	135
20. Иканова Л.С. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ОНА ТИЛИДАГИ МАТНЛАРНИ ЎҚИБ ТУШУНИШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.....	145
21. Хасанова Д.К. ХАЛҚАРО PIRLS БАҲОЛАШ ДАСТУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА ЎҚИШ ВА ЁЗУВ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИ.....	152
22. Имамова У.М. ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШДА АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	162

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Иканова Лазокат Султонназир қизи,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Чет тиллар кафедраси ўқитувчиси

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ОНА ТИЛИДАГИ
МАТНЛАРНИ ЎҚИБ ТУШУНИШ КЎНИКМАЛАРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-5-20>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бошланғич синф ўқувчиларининг она тилидаги матнларни ўқиб тушуниш кўникмаларини шакллантириш, уларнинг интеллектуал ривожланишига хизмат қилувчи омиллар ҳамда ўқувчиларнинг билим даражаларини ўрганиш масаласи PIRLS мисолида ёритиб берилган. Миллий таълим тизимини ислоҳ қилиш, таълим мазмунини, педагог кадрлар тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш дастурларини такомиллаштириш ҳамда мутахассислар томонидан дарсликларнинг янги авлодини яратиш бугунги кунда давлатимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг ажралмас қисмидир.

Калит сўзлар: китоб, матн, ўқиб тушуниш, мақсад, қобилият, адабий жараён, интеллектуал ривожланиш.

Иканова Лазокат Султонназир кизи,
Международная исламская академия Узбекистана,
Преподаватель кафедры иностранных языков

ФОРМИРОВАНИЕ НАВЫКОВ ЧТЕНИЕ РОДНОГО ЯЗЫКА В
НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются навыки чтения в младших классах на базе PIRLS. Автор раскрывает понятие PIRLS, представляет результаты внедрения данного модуля учащихся в младших классах. Так как современный человек все чаще включается в поисковую, творческую деятельность, а это возможно при наличии различных умений, формирование которых начинается в начальной школе. В этот период максимально активно развивается интеллектуальная сфера

ребенка, происходит перемена ведущего вида деятельности, увеличиваются потребности в самовыражении.

Ключевые слова: книга, текст, понимание прочитанного, цель, умение, литературный процесс, интеллектуальное развитие.

Ikanova Lazokat Sultonnazir kizi,
International Islamic Academy of Uzbekistan,
Teacher, Department of Foreign Languages

FORMING SKILLS READING A NATIVE LANGUAGE IN INITIAL CLASSES

ANNOTATION

This article discusses reading skills in elementary grades based on PIRLS. The author reveals the concept of PIRLS, presents the results of the implementation of this module of students in elementary grades. Since modern people are increasingly involved in search and creative activities, and this is possible with various skills, the formation of which begins in elementary school. During this period, the child's intellectual sphere is developing as actively as possible, the leading type of activity is changing, the need for self-expression is increasing.

Key words: book, text, reading comprehension, goal, skill, literary process, intellectual development.

Юртимизда бугунги кунда таълим тизимига катта эътибор қаратилаётганлиги ва турли ислохотлар олиб борилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Давр талаби барча соҳаларда содир бўлаётган ўзгаришлар сингари таълим тизимини ҳам шиддат билан ривожланишини тақозо этади. Таълим орқали жамиятда келажакдаги вазифаларни бажаришга қодир бўлган янги авлод шакллантирилади. Амалга оширилаётган бундай ислохотлар натижасида катта ютуқларга эришилиб бу ҳолат малакали кадрлар ва етук мутахассиларга бўлган талабнинг янада ошиб боришига замин яратмоқда.

Давлат раҳбарининг ташаббуслари билан таълимга бир қанча инновациялар олиб кирилаётганини гувоҳи бўлиб турибмиз. Ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, уларнинг дарсларга қизиқишларини ошириш, ўқитувчиларнинг ҳар томонлама таълим тарбияга эътиборини кучайтириш мақсадида уларни рағбатлантириб бориш шулар жумласидандир.

Бугун бутун жаҳон асосий эътиборини таълим сифатини оширишга ва ёшларни фан-техника тараққиётига ҳисса қўша оладиган етук ва рақобатбардош кадр этиб тарбиялашга қаратмоқда. Хусусан, дунёда таълим сифати, савияси ва даражасини аниқлаб берувчи PISA (Ўқувчиларни таълимдаги ютуқларини баҳолаш халқаро дастури), PIRLS (Матнни ўқиш ва тушуниш даражасини аниқловчи халқаро тадқиқот), TIMSS (Мактабда математика ва аниқ фанлар сифатини тадқиқ қилувчи халқаро мониторинг) каби бир қатор халқаро дастурлар мавжуд бўлиб, улар ривожланган давлатлардаги таълим сифатини янада оширишдаги мезон сифатида кенг қўлланилиб келинмоқда [5].

Ўзбекистонда ҳам халқаро таълим сифатини баҳолаш дастурларида иштирок этиш ва таълимга жорий этиш масаласида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозир бизнинг диққат марказимизда бўлиб турган масала бу PIRLS (Матнни ўқиш ва тушуниш даражасини аниқловчи халқаро тадқиқот) бўлиб, бу борада самарали ишлар ташкил этиляпти. Мазкур халқаро тадқиқотнинг мақсади турли хил таълим тизимидан иборат бўлган давлатлардаги бошланғич мактаб ўқувчиларининг матнни ўқиш ва тушуниб етиш бўйича тайёргарлиги ҳамда ўқувчиларнинг ҳар хил ютуқларга эришишга сабаб бўлувчи таълим тизимидаги ўзига хос хусусиятларни аниқлаш ва баҳолашдан иборат [1]. Албатта бундай тадқиқот халқ таълими соҳасидаги ишчилар, олимлар, методистлар, ўқитувчилар, ота-оналар ва жамоат вакиллари учун катта аҳамиятга эгадир. Шу сабабдан ҳозирда Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим вазирлиги ҳамкорликда республика бўйлаб барча мактабларни вилоятлар кесимида ўрганиб чиқмоқда.

Ўзининг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий мақсадларига эришиш учун халқнинг саводли ва маълумотли аҳолиси муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабдан, ўқиш қобилиятини индивидуал ва интеллектуал ривожлантириш ўқувчи шахси учун муҳим саналади [3]. Ўқувчиларнинг қанчалик яхши ўқиши, билим олиши, ютуқларга эришиши ва у билан боғлиқ омиллар ҳар бир мамлакатда ўқитувчилар, олимлар, тадқиқотчилар ва ота-оналарга боғлиқ [2].

PIRLS (Матнни ўқиш ва тушуниш даражасини аниқловчи халқаро тадқиқот) бутун дунё бўйлаб ўқувчиларнинг ўқиш саводхонлигини ошириш, тараққиётини такомиллаштириш ва ўқиш кўникмаларини эгаллашга ёрдам бериш учун ишлаб чиқилиб, унга хизмат қилмоқда ва ўқувчиларининг ўқиш қобилиятини баҳолаш бўйича мунтазам тадқиқотлар олиб бормоқда. Жумладан, таълим ютуқларини баҳолаш халқаро ассотсиатсияси (IEA) 1959 йилда дунё мамлакатларида таълим сиёсати ва амалиётига бағишланган қиёсий тадқиқотларни ўтказиш мақсадида ташкил этилган [7]. Сўнгги 50 йил ичида IEA аъзоллари сони 60 дан ортиқ мамлакатларга ошди. Унинг Амстердамда жойлашган Котибияти ва Гамбургдаги маълумотларни қайта ишлаш ва тадқиқ қилиш маркази мавжуд. IEA тадқиқотлари алоҳида давлатлар ва кенг халқаро контекстдаги ўқув жараёнини чуқур тушунишга ёрдам беради.

PIRLS мамлакатларга тўрт йиллик бошланғич таълимдан кейин ўқувчиларнинг қанчалик яхши ўқиши тўғрисида халқаро қиёсий маълумотларга эга бўлиш учун ноёб имкониятни тақдим этади. Шунингдек, мамлакатлар саводхонликни ошириши ва уй шароитида ўқитиш учун ота-онанинг уйда ёрдам бериши ҳақида батафсил маълумотга эга бўладилар. PIRLSда иштирок этувчи давлатлар ўқиш саводхонлиги тенденцияларини кузатиши учун муҳим маълумотларни йиғишлари мумкин.

PIRLS баҳолаш тизими IEA томонидан ўқиш саводхонлигини баҳолаш учун дастур сифатида ишлаб чиқилган. PIRLS андозасининг олдинги версияларидан келиб чиққан ҳолда, 2011 йилдаги андоза кўплаб одамлар ва гуруҳларни - хусусан PIRLS Ўқишни Ривожлантириш Гуруҳини (RDG) ва 50 дан ортиқ иштирокчи мамлакатларнинг Миллий Тадқиқот Координаторларини (NRC) ўз ичига олган ҳамкорлик жараёни натижасида юзага келди. Буларнинг барчаси, ушбу тизим PIRLS мамлакатлари ва ўқувчи илмий жамоаларнинг фикрлари ва манфаатларига жавобан бир неча марта такрорланди ва бутун дунёдаги кўплаб шахслар ва ташкилотларнинг ғоялари ва манфаатларини ўзида акс эттирди.

Ўқиш саводхонлиги ўқувчиларнинг мактаб ёшиданоқ ривожланадиган муҳим қобилиятларидан биридир. У барча фанларни ўрганиш учун пойдевор бўлиб, дам олиш ва шахсий тараққиёт учун ишлатилиши мумкин ҳамда ёш болаларга ўз

жамиятларида ва катта жамиятда тўлиқ иштирок этиш имкониятини беради [4].

Тўртинчи ўқув йили PIRLS марказида танланди, чунки у болаларнинг китобхонлар сифатида ривожланишида муҳим ўтиш даври саналади. Одатда, бу вақтда ўқувчилар қандай ўқишни билиб оладилар ва шундан сўнг ўрганиш учун ўқийдилар.

Баъзи мамлакатларда ўқувчилар ўқишни тушуниш қобилиятларини бешинчи ёки олтинчи синфларда PIRLSда муваффақият қозониш учун ривожлантирадилар. IEA ушбу мамлакатлар учун бешинчи ёки олтинчи синфларда PIRLS 2011да қатнашишни қўллаб-қувватлади, чунки юқори синфда ўқиш ўқувчиларнинг кучли ва заиф томонлари ҳақида қимматли маълумот бериши мумкин, аммо тўртинчи синфда қатнашиш кам маълумот беради [6].

PIRLS дастурига ўқиш билан бир хил тушунчани акс эттирувчи баҳолаш киради, чунки у унчалик қийин эмас ва зарур шарт бўлган асосий ўқиш кўникмаларини синаш учун ишлаб чиқилган. Ўқиш материаллари қисқароқ ва осонроқ бўлади. Ўқувчиларнинг ушбу парчалар бўйича ўқиш ва саволларга жавоб бериш қобилияти, ўқишни тушунишнинг кучли ва заиф томонлари ҳақида қимматли маълумот беради. Ушбу янги баҳолаш ўрганиш даражаси нисбатан паст бўлган болаларнинг ўқиш натижаларини мунтазам равишда ўлчаш ва яхшилаш учун яхши замин яратади.[5]

PIRLS учун ўқиш саводхонлиги жамият талаб қиладиган ёки шахс томонидан қадрланадиган ёзма тил шакллари тушуниш ва ишлатиш қобилияти сифатида белгиланади. Ёш ўқувчилар турли хил матнлардан маъно тузишлари мумкин. Улар ўқиш учун, мактабда ва кундалик ҳаётда ўқувчилар жамоаларида иштирок этиш учун ўқишади.

PIRLS ўқувчилар ўқиш саводхонлигининг уч жиҳатига қаратилган:

F ўқиш мақсадлари

F тушуниш жараёнлари

F ўқиш ва муносабат.

Тушуниш жараёнининг тўрт тури PIRLSда баҳоланади:

F аниқ баён қилинган маълумотларга эътибор қаратиш

F тўғри хулосалар қилиш

F гоёлар ва маълумотларни шарҳлаш ва бирлаштириш

F таркиб, тил ва матн элементларини ўрганиш ва баҳолаш.

PIRLS ўқиш мақсадлари ва тушуниш жараёнларини ўрганади. Бироқ, улар бир-бирларидан ёки ўқувчилар яшайдиган ва ўрганадиган контекстлардан ажратилган ҳолда ишламайди [8]. Ўқиш саводхонлиги инсониятнинг ўқиш сабаблари билан бевосита боғлиқ. Умумий ҳолда, бу сабаблар шахсий қизиқиш ва завқ учун ўқиш, жамиятда иштирок этиш учун ўқиш ва билим олиш учун ўқиш каби жиҳатларни ўз ичига олади. Ёш китобхонлар учун бу жиҳатлар муҳим аҳамиятга эга.

PIRLS баҳолаш тизими мактабда ва ундан ташқарида ёш ўқувчилар томонидан бажариладиган ўқишнинг аксарият қисмини ҳисобга олиш учун иккита асосий мақсадга қаратилган:

F адабий тажриба учун ўқиш

F маълумот олиш ва ундан фойдаланиш учун ўқиш.

Ушбу ёшда ўқишнинг ҳар иккала тури ҳам муҳим бўлганлиги сабабли, PIRLS баҳолаш тизими ҳар бир мақсадни баҳолайдиган материалнинг тенг нисбатини ўз ичига олади. Гарчи баҳолаш ўқиш учун мақсадларни ажратиб турса-да,

ўқийдиганларнинг иккала мақсадда фойдаланадиган жараёнлари ва стратегиялари, бошқаларга қараганда ўхшашроқдир.

Ўқиш учун ушбу мақсадларнинг ҳар бири кўпинча матнларнинг маълум турлари билан боғлиқ. Масалан, адабий тажриба учун ўқиш кўпинча бадиий адабиётни ўқиш орқали амалга оширилади, маълумот олиш ва ундан фойдаланиш учун ўқиш одатда маълумотли мақолалар ва ўқув матнлари билан боғлиқ. Бироқ, ўқиш мақсадлари фақат матн турларига мос келмайди. Масалан, таржимаи ҳоллар асосан маълумот ёки адабий бўлиши мумкин, аммо иккала мақсаднинг хусусиятларини ўз ичига олади. Одамларнинг диди ва қизиқишлари турлича бўлганлиги сабабли, деярли ҳар қандай матн иккала мақсадга ҳам жавоб бериши мумкин.

Кўп болаларнинг эрта ўқиши эртақ ва ривоят матн турларига бағишланган. Бундан ташқари, кўплаб ёш китобхонлар китоблардан ва бошқа турдаги ўқув материалларидан маълумот олишни яхши кўрадилар. Бундай ўқиш янада муҳим аҳамият касб этади, чунки ўқувчилар ўзларининг саводхонлик қобилиятларини ривожлантирадилар ва ўқув дастурларини ўрганишлари учун тобора кўпроқ ўқиш талаб этилади.

Ўқиш саводхонлиги умр бўйи ўқишни қўллаб-қувватлайдиган хатти-ҳаракатлар ва муносабатларни қамраб оладиган турли хил матнлардан маъно яратиш қобилиятидан ташқари ҳисобланади.[6] Бундай хатти-ҳаракатлар ва муносабат саводли жамиятда шахснинг имкониятларини тўлиқ амалга оширишга ёрдам беради. Яхши китобхон бўлган болалар нафақат тез-тез ўқибгина қолмай, балки ўқишнинг ижтимоий жиҳатларида, жумладан уйда бошқалар билан ўқиш, кутубхонага бориш ва китоблар ҳақида суҳбатлашиш ҳақида ҳам хабар беришади.

Ўқишни оилалари ва дўстлари билан муҳокама қилиш болаларга бир ёки бир нечта ўқувчилар уюшмаларида ва тўғарақларда қатнашиш имкониятини беради. Бу эса ёш китобхонларнинг матндан маъно олиш қобилиятини кучайтиради ва турли ўқувчилар турли хил талқинларни қандай қилишларини тушунадилар. Ёш ўқувчилар ва уларнинг дўстлари мактаб ва маҳаллий кутубхоналар ёки бошқа жойлар орқали саводхонлик кўникмаларини тарғиб қиладиган дарсдан ташқари машғулотлардан фойдаланишлари мумкин. Тенгдошларнинг таъсири бундай тадбирларда иштирок этишни исташига ёрдам беради. Масалан, ўқувчилар спектаклларда қатнашиш ёки китоб клубларига аъзо бўлиш орқали тажриба орттиришлари ва матн талқинини баҳам кўришлари мумкин.

Самарали дарслар концептуал мавзуларни муҳокама қилади ва ўқиш билан боғлиқ тажрибага эга бўлади. Ўқитувчилар жуда кўп қизиқарли матнлардан, шу жумладан адабий китоблардан фойдаланадилар. Улар таркибидаги жадвал, кўрсаткичлар, расмлар ва қалин сарлавҳалар каби хусусиятларни ўз ичига олади. [7]Ўқитиш учун ўқитувчилар фойдаланишлари мумкин бўлган сон-саноксиз стратегиялар ва ҳаракатлар мавжуд. Ўқиш ўқув машғулотлари энг самарали бўлганлигини текширишга кўпгина тадқиқотлар бағишланган. Аксарият ўқитувчилар ва тадқиқотчилар, айниқса ўқитувчилар уларни ўқувчиларининг эҳтиёжларига мослаштирган ҳолда, турли ёндошув элементларидан фойдаланиш энг мақбул бўлиши мумкин деган фикрга қўшилишади. Самарали ўқитиш кўплаб таркибий қисмларни, шу жумладан бир нечта матнларни, ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан олиб бориладиган мунозараларни, қўлланмаларни, гуруҳли ва мустақил ўқишни декодлаш ва тушунишни бошқариш стратегияларини ҳамда турли хил баҳолаш усулларини ўз ичига олган мувозанатли дастурни таъминлайди.

Тушунишни аниқлаштириш учун ўқувчиларнинг ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш ва турли хил матн турларини муҳокама қилиш, шу жумладан маъумот қидириш ва умумий хабарларни умумлаштириш муҳимдир.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ўқувчиларнинг иштиёқини ошириш уларнинг ўқиш билан машғул бўлиш вақтини кўпайтиради ва бу ўз навбатида ўқиш қобилиятини оширади. Уларини қизиқтирганда ва ўқишга жалб қилганда янада яхшироқ ўрганишади. Ўқишни тушуниш учун мотивацияни оширадиган асосий ўқув амалиётига мақсадларни белгилаш, қизиқарли матнларни тақдим этиш, ўқувчилар ўқиган нарсаларини танлаш имкониятини бериш ва ташқи мукофотлар ва мақтовлар киради.

Ўқувчиларни ташқи муҳитдан ички мотивацияга ўтказиш учун ўқитувчилар ўқувчиларга мазмун, сўз бойлиги ва кўпроқ жим ўқишга асосланган билимларни шакллантириш тажрибаларини бериб, ўқувчиларининг когнитив, ҳиссий ва жисмоний эҳтиёжларига чинакам ғамхўрлик қилишлари мумкин. [8] Ўқувчиларга ўзларининг фикрларини баҳам кўришни ўргатиш ўқиш самарадорлигини ошириш учун жуда муҳимдир.

Умумий ўрта таълимнинг бошланғич синфларда ўқиш фани ўқувчиларни онгли, тўғри ва ифодали ўқишга ўргатиш билан бирга уларда китобхонлик ва нутқ маданиятини ҳамда мустақил фикрлаш қобилияти шакллантиради ҳамда ўқувчиларни ҳар томонлама ривожлантиришга хизмат қилади. Бошланғич синфларда ўқиш фанини ўқитишнинг асосий мақсади миллий ҳамда жаҳон адабиётининг нодир намуналарини ўқитиш орқали ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий дунёси, адабий-эстетик дидини шакллантириш ҳамда уларда мустақил фикрлаш, образли тафаккурга оид билим, кўникма, малакаларни ҳосил қилиш ва ривожлантириш, ўқувчиларни бадиий адабиётга қизиқтириш, асарларни ўргатиш жараёнида олам ва инсон табиати, миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар, шунингдек, китобхонлик маданиятини шакллантириш орқали ўқувчиларнинг маънавиятини, дунёқарашини кенгайтириб, мустақамлаб боришдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида таълимнинг узлуксизлиги, узвийлиги, ўқувчи шахси ва қизиқишлари устуворлигидан келиб чиқиб, уларнинг ёш хусусиятларига мос равишда таянч компетенциялар шакллантирилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги [3] "Китоб махсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойишида болалар адабиётининг сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилган. Бу - албатта, таълим тизимига, жумладан, бошланғич таълимга янгича ёндашишни тақозо этади. Комил инсонни вояга етказишда бошланғич таълим шубҳасиз мустақам пойдевор ролини ўтайди. Хулоса қилиб айтганда, бошланғич таълимни мукамал ташкил этиш ёш авлодни тўғри тарбиялаш ва ҳаётга тайёрлаш имконини беради.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Т.: "Ўзбекистон"2017 486 бет.
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта

устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.

3. Мирзиёев Ш.М. "Китоб махсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиш. 2017 йил 12 январь.

4. Жумаев М.Э., Юлдашева М.Ю., Мингбаева Б.У., Маматова Г.А., Левкина М.Ф. "Бошланғич таълимни ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар" методик услубий қўлланма - Т.: 2018 й.

5. Baker, L., & Scher, D. (2002). Beginning readers' motivation for reading in relation to parental beliefs and home reading experiences. *Reading Psychology*, 23(4), 239-269.

6. Howie, S. (2007). South Africa. Inna V.S Mullis, M.O. Martin, A.M. Kennedy, & K.L. Trong (Eds.), *PIRLS 2006 encyclopedia: A guide to reading education in the forty PIRLS 2006 countries* (pp. 381-392). Chestnut Hill, MA: Boston College.

7. Ina V.S. Mullis, Michael O. Martin, Ann M. Kennedy, Kathleen L. Trong, and Marian Sainsbury. *PIRLS 2011 Assessment Framework. TIMSS & PIRLS International Study Center Lynch School of Education, Boston College*. 2011.

8. Mullis, I.V.S., Martin, M.O., & Gonzalez, E.J. (2004). *International achievement in the processes of reading education: Results from PIRLS 2001 in 35 countries*. Chestnut Hill, MA: Boston College.



Tadqiqot UZ

ISSN 2181-9297

Doi Journal 10.26739/2181-9297

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

№5 (2019)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000